



Ислом Нури

Амр ибн Қайс айтган экан: “Агар бир яхши амални билиб қолсанг, гарчи бир марта бўлса ҳам уни қилгил, ўша яхшилик аҳлидан бўласан”.

...

Катта машаққат билан тиббий олийгоҳда ўқишни тугатдим. Чунки мен ўқишда интизомли эмасдим. Лекин Аллоҳ субҳанаҳу ўқишни битиришни менга осон қилди. Шаҳримизга яқин шифохоналардан бирига ишга тайинландим. Алҳамдулиллаҳ, ишларим яхши. Ота-онамнинг олдида яшаяпман. Бўлажак умр йўлдошим учун маҳр тўплашга қарор қилдим, бу эса онам ҳар куни мени унга қистайдиган нарса. Ишим ҳарбий шифохонада бўлганлиги учун жиддий ва тартибли шаклда кетарди. Ҳаракатни яхши кўраман шунинг учун зерикарли назарий ўқишимга қараганда ишимда анча яхши ютуққа эришдим.

Шифохона ходимлари турли хил миллат вакиллари. Менинг улар билан алоқам иш бўйича эди. Шу шаҳар аҳлидан бўлганим улар учун қулай фурсат эди. Мен тарихий жойлар ва бозорларга уларнинг йўл кўрсатувчиси эдим. Шунингдек, гоҳида уларни дала ҳовлимизга ҳам олиб борардим. Улар билан алоқам кучли эди. Одатга кўра ходимлардан биронтасининг иш муддати тугаган вақтда хайрлашув маросими ўтказардик.

Кунларнинг бирида Британиялик шифокорлардан бири биз билан ишлаш муддати тугаганлиги учун ўз шаҳрига кетадиган бўлиб қолди. Биз у билан хайрлашув кечасини ўтказиш тўғрисида маслаҳатлашдик ва белгиланган жой бизнинг дала ҳовлимиз бўлди. Умумий шаклда ҳамма нарса тайёр бўлди. Лекин менинг фикримни бошқа нарса



Ислом Нури

чулғаб олган эди. Унга нима совға қилишимни билмасдим, айниқса мен у билан узоқ вақт бирга ишлаганман. Хайрият, мен бир вақтнинг ўзида ҳам қимматбаҳо ва ҳам муносиб совға топдим. Бу шифокор меросий ёдгорликларни тўплашни яхши кўрарди. Ҳеч қийинчиликсиз унга шундай нарса совғани топишим мумкин. Отамда бунақа нарсалар кўп. Ундан сўраган эдим, у менга қадимда минтақамизда ясалган меросий ёдгорликлардан бирини берди. Амакимнинг ўғли отам билан суҳбатлашиб ўтирган экан. У: “Нима учун унга ислом тўғрисида бирон китоб совға қилмайсан?” – деб қўшиб қўйди. Меросий ёдгорликни олдим. Амакиваччамнинг сўзини жиддий эътиборга олмадим. Лекин Аллоҳ, ҳеч қийинчиликсиз ишни менга осон қилди. Эртасига газета ва журналлар сотиб олиш учун китоб дўконига бордим ва у ерда инглиз тилида ёзилган ислом тўғрисида бир китобни кўриб қолдим. Амакиваччамнинг сўзлари қулоғимда янграгандек бўлди. Китобнинг нархи жуда ҳам арзон эди, шунинг учун уни сотиб олиш фикри мени қизиқтирди. Китобни олдим... шеригимиз билан хайрлашув кунда худди яширмоқчи бўлгандек, китобни меросий ёдгорлик ўртасига қўйдим ва совғани бердим. Бу шифокор ҳаммага суюкли бўлгани учун хайрлашув таъсирли бўлди. Дўстимиз жўнаб кетди. Кунлар, ойлар тез ўтди. Уйландим. Фарзандли бўлдим.

Бир куни Британиядан менга хат келди. Инглиз тилида бўлгани учун уни секин ўқидим. Умуман олганда баъзи маъноларини тушундим, баъзиларини эса тушунмадим. Хат биз билан ишлаб кетган бир дўстимдан эканлигини билдим ва мен уни эслашга уриндим. Исмини биринчи марта эшитяпман. Зайфуллоҳ... Қулоғимга нотаниш. Хатни ёпиб, исми Зайфуллоҳ бўлган дўстимни эслашга ҳаракат қилдим, бироқ, эслолмадим. Хатни қайта очиб, уни ҳарфма-ҳарф шошилмасдан, хотиржамлик билан иккинчи марта ўқий бошладим. Бу жумлалар унинг хатидан бир парча:



Ислом Нури

“Хурматли биродарим Зайфуллоҳ, ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу. Аллоҳ менга исломни насиб этди ва сен сабабли мени ҳидоят қилди. Менга бўлган садоқатингни ҳечам унутмайман, доим сенинг ҳаққингга дуо қиламан. Кетаётганимда сен менга совға қилган китобни эслайсанми? Мен бир кунни ўша китобни ўқидим ва менда ислом ҳақида кўпроқ билишга иштиёқ туғилди. Аллоҳнинг менга қилган тавфиқи сабаб, китобнинг муқовасида китобни нашр қилган нашриётнинг манзилгоҳини топиб олдим ва уларга кўпроқ китоб сўраб хат ёздим. Улар менга сўраганларимни жўнатишди. Алҳамдулиллаҳ, қалбимда ислом нури таралди. Ислом марказига бориб исломга кирганимни эълон қилдим ва исминни Джондан Зайфуллоҳга, яъни сенинг исмингга ўзгартирдим. Чунки сен Аллоҳдан кейинги марҳамат эгасисан (яъни миннатдорчилик билдиришга лойиқсан). Шунингдек мен, Исломни қабул қилганлигим ҳақидаги гувоҳноманинг суратини сенга жўнатмоқдаман. Яқинда ҳаж фарзини адо қилиш учун Маккаи Мукаррамага боришга ҳаракат қиламан.

Исломдаги биродаринг – Зайфуллоҳ. Хайр, ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу”.

Хатни ёпдим, яна тезда қайтариб очдим ва бошидан ўқий бошладим. Ҳарфларининг ҳар бирида самимийликни ҳис қилганим учун хат менга қаттиқ таъсир қилди. Кўп йиғладим. Мен ўзим Аллоҳнинг ҳаққини адо қилишда оқсоқланиб турган ҳолимда, қандай қилиб Аллоҳ мен сабабали бир кишини исломга ҳидоят қилди? Беш риёл (1.5 \$) турмайдиган китоб билан Аллоҳ бир инсонни ҳидоят қилса-я!

Мен бир тарафдан хурсанд бўлсам, бошқа томондан хафа бўлдим. Аллоҳ уни менинг кўп ҳаракатимсиз исломга ҳидоят қилгани учун



Ислом Нури

хурсанд бўлдим. Кўп хафа бўлдим, чунки мен ўзим билан бирга бўлган ишчилар ҳақида ўзимга савол бердим. Шунча вақт қаерда эдим? Нимага мен уларни исломга чақирмадим ва уларга бу динни танитмадим? Қиёмат куни менинг фойдамга гувоҳлик берадиган бирорта ҳам ислом ҳақида сўз атмабман.

Улар билан кўп гаплашганман, кўп ҳазиллашганман. Лекин бирон марта ҳам уларга ислом тўғрисида гапирмаганман.

Аллоҳ Зайфуллоҳни Исломга ҳидоят қилди ва мени эса ўзимни ҳисоб-китоб қилишга, Унинг тоатида бепарволигимни тузатишга йўллади. Энди мен ҳечам яхшилиқнинг озини кам санамайман, гарчи у фақат бир риёллик китоб бўлса ҳам,.

Ўйланиб қолдим... Агар ҳар бир мусулмон атрофидаги кишиларга фақат бир донадан китоб совға қилса, қандай бўлади?!

Мен иккинчи бор қаттиқ таъсирландим, бунга сабаб насронийлаштириш ҳақида ўқиган нарсам эди.

Африкада насронийлаштириш тўғрисидаги баъзи ҳақиқатлар шуларни кўрсатади:

- Америкада черков мақсадлари учун 139 миллион америка доллари тўпланган.

- Шу йилнинг ўзида 3,968,100 та насроний (христиан) миссионерлари сафарбар қилинган.

- 112.564.400 нусха Инжил тарқатилган.



Ислом Нури

- Насроний радио-телевидение каналларининг сони 1620 тага етган.

Мана бу статистик маълумотлар Америка насронийлаштириш тадқиқотларининг халқаро журналидан олинган. 1- сон, 11- жилд, 1987 йил.

Ўзимга ўзим савол бердим: “Биз қаерда юрибмиз? Оиламизда исломга кирмаган қанча ака-укалар, опа-сингиллар бор. Орамизда ва атрофимизда қанчадан-қанча исломга кирмаган қўшнилар, қавму қариндошлар, ёру биродарлар бор! Қанча ва яна қанча?! Кўз ёшидан аввал бўладиган алам. Лекин яна ўша савол саволлигича қолаверади.

Қани амал...?

Қани амал...?”